

Қуръонга доимий мурожаат қилиб туриш | Сийрат дарслари (325-дарс)



19:00 / 24.04.2025 2296

664. Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сизларнинг яхшиларингиз Қуръонни ўрганганларингиз ва ўргатганларингиздир»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

665. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қуръонга мурожаат қилиб турунглари. Жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, албатта, у (зеҳндан) тушовдаги туядан ҳам тезроқ қочиб кетади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

666. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Менга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Менга қироат қилиб бер»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ўзингизга нозил бўлган нарсани сизга қироат қилиб бераманми?» дедим. **«Мен уни ўзимдан бошқадан эшитишни хоҳлайман»**, дедилар. Шунда мен Нисо(сураси)ни қироат қилдим. «Ҳар бир умматдан бир гувоҳ келтириб, сени уларнинг ҳаммасига гувоҳ этган чоғимизда ҳол қандай бўлур?!»га етганимда: «Тўхта»,

дедилар. Қарасам, у зотнинг икки кўзларидан ёш тўкилаётган экан».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

667. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангиз аҳли-оиласига қайтганда уларнинг (молларининг) ичида учта катта, семиз, ҳомиладор туяни топишни ёқтирадими?»** дедилар. «Ҳа», дедик. **«Бирортангиз намозида қироат қиладиган уч оят унинг учун учта катта, семиз, ҳомиладор туядан яхшидир»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

668. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга чиқдилар. Биз суффада ўтирган эдик. Шунда у зот: **«Сизлардан қай бирингиз Бутҳон ёки Ақиққа бориб, Аллоҳга гуноҳ қилмасдан ва қариндошлик алоқасини узмасдан иккита катта ўркачли туя олиб кела олади?»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ҳар биримиз буни жуда ҳам хоҳлаймиз», дедик. **«Албатта, бирингизнинг ҳар куни масжидга келиб, Аллоҳ азза ва жалланинг Китобидан икки оят ўрганиши иккита туядан яхшироқдир. Учтаси учтадан яхшироқдир. Тўрттаси тўрттадан яхшироқдир. Қанча оят бўлса, шунча туя»**, дедилар у зот».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.